

## ПРОФИЛАКТИКА ИНСПЕКТОРИНИНГ МАҲАЛЛА ҲУҚУҚ-ТАРТИБОТ МАСКАНИДА ҲУҚУҚБУЗАРЛИКЛАРНИ ОЛДИНИ ОЛИШ ФАОЛИЯТИ

Шомуротов Достон Зокиржон ўғли

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Академияси 317-гуруҳ курсанти

**Аннотация:** Ушбу мақолада профилактика инспекторининг маҳалла-ҳуқуқ тартибот масканида ҳуқуқбузарликларни олдини олиш фаолияти ва криминоген вазиятни яхшилаш учун амалга оширилган ишлар юзасидан қандай натижага эришилаётганлиги ҳақида маълумот берилган.

**Калит сўзлар:** маҳалла-ҳуқуқ тартибот маскани, ҳуқуқбузарликлар профилактикаси, жиноятчиликка қарши кураш, криминоген вазият, чора-тадбирлар.

Мамлакатимизда ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш борасида комплекс чора-тадбирлар амалга оширилиб, ҳуқуқ-тартиботни таъминлашда ижобий натижаларга ҳамда криминоген вазиятни сезиларли даражада яхшилашга эришилмоқда.

Бунда, ички ишлар органларининг жамоатчилик билан ҳамкорлигини, қишлоқлар, овулла ва маҳаллаларда жамоат тартиби сақланишини, фуқаролар хавфсизлигини, жиноятчиликка қарши курашишни бевосита таъминлайдиган профилактика инспекторларининг ўрни катта.

Жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг яхлит тизимини шакллантириш, ички ишлар органларининг энг қўйи бўғинидан республика даражасигача самарали фаолиятни йўлга қўйиш ва замонавий иш услубларини жорий этиш орқали мамлакатимизда ҳуқуқ-тартибот ва қонунийликни мустаҳкамлаш, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлаш устувор аҳамият касб этади.

2021 йил 26 мартда Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш ва жиноятчиликка қарши курашиш соҳасида ички ишлар органлари фаолиятини сифат жиҳатидан янги босқичга кўтариш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони қабул қилинди. Мазкур Фармонда ички ишлар органларининг таянч пунктлари негизида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ташкил этилиши белгиланди. Таъкидлаш жоизки, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани ҳудуддаги жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва жиноятчиликка қарши курашишнинг асосий қўйи бўғини ҳисобланади.

Маскан негизида ҳудуддаги ички ишлар органларининг тегишли соҳавий хизматлари ҳамда Миллий гвардия ва бошқа давлат органларининг мувофиқлаштирилган фаолияти ташкил этилади. Шунингдек, маскан томонидан жамоат хавфсизлигини таъминлаш, ҳуқуқбузарликларнинг олдини олиш ва

жиноятчиликка қарши курашиш ишларини тизимли ташкил этиш ва мувофиқлаштириш вазифаси профилактика инспекторига юкланди.

Тизимга рақамли технологияларни қўллаш ва аҳолига янада қулайлик яратиш мақсадида, профилактика инспекторларига масофадан туриб мурожаат қилиш ва уни кўриб чиқиш жараёнини кузатиб бориш, аҳоли билан ўзаро тезкор мулоқотни йўлга қўйиш имконини берувчи “Smart маҳалла” дастури ишлаб чиқилмоқда.

Амалга оширилаётган ишлардан келиб чиқиб, жиноятчиликнинг олдини олиш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси юзасидан маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани профилактика инспекторлари фаолияти самарадорлигини янада ошириш юзасидан баъзи таклифларни илгари сурмоқчиман. Жумладан, ҳудудий давлат органлари томонидан профилактика инспекторларига уларнинг ваколатига кирмайдиган масалалар юзасидан топшириқлар берилишини чекловчи ва бундай ҳолатлар юзасидан тегишли жавобгарлик чораларини назарда тутувчи қонунчиликни такомиллаштириш зарур. Бундан ташқари, профилактика инспекторларида ҳуқуқбузарликларнинг барвақт олдини олиш, уларни содир этиш сабаблари ва шарт-шароитларини чуқур таҳлил қилиш, аниқлаш ва бартараф этиш бўйича назарий ва амалий кўникмаларини янада ривожлантириш ва бу бўйича ҳудудий ички ишлар тузилмаларида махсус ўқув курсларини жорий этиш мақсадга мувофиқдир.

Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ички ишлар органлари таянч пунктлари негизида ташкил этилди. Маскан учун ер майдони, биноларни ажратиш, қуриш, таъмирлаш ва мебель билан жиҳозлаш туман (шаҳар) ҳокимликлари томонидан маҳаллий бюджет маблағлари ҳисобидан, бошқа моддий-техник воситалар билан таъминлаш - ИИВ томонидан бюджет ва бюджетдан ташқари маблағлар ҳисобидан амалга ошириладиган қилиб белгиланди.

Профилактика катта инспектори маскан бевосита раҳбари ҳисобланади, унга маҳаллада жамоат тартибини сақлаш ва ҳуқуқбузарликлар профилактикаси бўйича кундалик фаолиятни самарали ташкил этиш бўйича жавобгарлик юклатилди.

Маҳаллаларда криминоген вазиятни яхшилаш мақсадида маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларига профилактика инспектори, хотин-қизлар масалалари ҳамда вояга етмаганлар масалалари бўйича инспектор, тезкор ходим, патруль-пост хизмати ҳамда бошқа соҳавий хизмат ходимлари бириктирилди. Ички ишлар бошқармаси бошлиқлари маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларида қулай шароитлар яратилишини кўздан кечириш асносида маҳалла фуқаролар йиғинлари қошида фаолият кўрсатаётган доимий комиссиялар раислари ҳамда ички ишлар органлари ходимлари билан сўхбатда бўлиши белгиланди. Жиноятчилик кўрсаткичлари таҳлил этилиб, кўрилаётган чоралар хусусида фикрлар билдирилди.

Бундан ташқари, маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканларидаги мавжуд коммуникация тармоқлари, зарур жиҳозлар билан таъминлашга оид масалаларни ҳал этиш чоралари белгиланди. Шу қаторда эҳтиёжманд оилалар, жиноят содир

этишга мойил шахслар билан ишлаш, қонунбузарликнинг олдини олишга эътиборни кучайтириш кераклиги таъкидланди.

Ислохотларнинг бугунги босқичида ҳуқуқбузарликлар профилактикаси соҳасига оид кўплаб Президент фармон ва қарорлари қабул қилинди. Ўз навбатида таъкидлаш лозимки, бу жараёни бошқа турдаги норматив-ҳуқуқий ҳужжатларга нисбатан кенг қамраб олганлигини кўриш мумкин. Айниқса, соҳани такомиллаштириш, моддий-техник базасини яхшилаш, етук ва малакали кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга оид, айниқса, маҳалла ҳуқуқ-тартибот маскани раҳбари ҳисобланган профилактика инспекторларини лавозимга тайинлаш, уларнинг касбий билим ва малакаларини шакллантириш каби масалаларни қамраб олган Президент фармон ва қарорларининг қабул қилиниши муҳим аҳамият касб этади.

Хулоса қилиб айтадиган бўлсак, ички ишлар органлари маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари ва профилактика инспекторларининг фаолиятини ташкил этишнинг ҳуқуқий асосларсиз тасаффури этиб бўлмайди, улар асосида республика миқёсида иш юритишнинг бир ҳиллиги, аниқ бир йўналишларда ишни олиб борилиши ва қонунларга қатъий амал қилиниши таъминланади.

#### **ФЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎХАТИ:**

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг қарори, 23.06.2022 йилдаги 343-сон “Маҳалла ҳуқуқ-тартибот масканлари фаолиятини янада такомиллаштириш тўғрисида” ги қарор

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 10 апрель «Ички ишлар органларининг фаолияти самарадорлигини тубдан ошириш, жамоат тартибини, фуқаролар ҳуқуқлари, эркинликлари ва қонуний манфаатларини ишончли ҳимоя қилишни таъминлашда уларнинг масъулиятини кучайтириш чоратадбирлари тўғрисида» ги 5005-сонли фармон // [hppt//.www.lex.uz](http://www.lex.uz).

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Ҳуқуқбузарликлар профилактикаси ва жиноятчиликка қарши курашиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги қарор // [hppt//.www.lex.uz](http://www.lex.uz).

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 24 декабрдаги “Жамоат хавфсизлигини таъминлаш самарадорлигини ошириш бўйича қўшимча чоратадбирлар тўғрисида” ги ПҚ-4075-сон қарори // [hppt//www.lex.uz](http://www.lex.uz)

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18-февраль “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-5938-сон фармони // [URL: http://www.lex.uz](http://www.lex.uz).